

Пешона ва бурун ила сажда қилиш...

15:58 / 01.07.2017 6289

Савол:

Ассалому алайкум!“Кифоя”да намоз сифати бобида 251-бетда “**пешона ва бурун ила сажда қилиш, фатво шунга берилган**” дейилган. “**Мўминнинг меърожи**” китобида “**намознинг вожиблари**” деган жойида “**саждада бурун билан пешонанинг баробар ерга тегиб туриши**” дейилган. Агар пешона билан бурун баравар ерга тегмаса ёки бурнини текизиб пешонасини текказмаса ёки пешонасини теказиб бурнини текказмаса тарки вожиб бўлиб, саждаи сахф вожиб бўладими? Агар имом саждаи сахф қилмаса ўқиётган намозини вақти чиқишига узоқ бўлса, иқтидо қилган одам бошқатдан ўқиб олиши керакми? Жавобингиз учун каттадан катта раҳмат.

Жавоб:

["Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати](#) Маъмурият жавоб берди

Ва алайкум ассалом! *Ибни Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади* *Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Етти аъзо билан сажда қилишга буюрилиганман.*** (Имом Бухорий).

Фатво китобларимизнинг барчасида икки оёқ ва пешона ерга тегиб туришлиги фарз дейилган. Шунга биноан агар ёлғиз буруннинг ўзи билан сажда қилиб пешона тегмаса, ундай сажда сажда ҳисобланмайди. Агар ёлғиз пешонанинг ўзи билан сажда қилинса, сажда дуруст бўлади. Лекин ҳам пешона ва ҳам бурун билан сажда қилиш мукамал саждадир. Саждада бурунни ҳам қўшиш мустаҳаб саналади. Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ: “Ёлғиз пешонанинг ўзи билан сажда қилса, кароҳиятсиз жоиз” деганлар. Шунга биноан пешонанинг ўзи билан сажда қилиниб, бурун тегмаса, саждаи сахв вожиб бўлмайди. Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг фатволарига биноан буруннинг ўзи билан сажда қилиниб пешона тегмаса, намоз кароҳият билан адо бўлади – деганлар. Унда саждаи сахв вожиб бўлади. Валлоҳу аълам.

<http://savollar.islom.uz/savol/38370>